

**А.С. ПУШКИН ИЖОДИДА ШАРҚОНА МОТИВЛАР:
МАДАНИЙ МАНБАЛАР ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН**

Валиходжаева Фарруха Батировна

Самарқанд давлат чет тиллар институти, Самарқанд, Ўзбекистон

e-mail: farruxa193@gmail.com

**ВОСТОЧНЫЕ МОТИВЫ В ТВОРЧЕСТВЕ А.С. ПУШКИНА:
КУЛЬТУРНЫЕ ИСТОЧНИКИ И ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ОСМЫСЛЕНИЕ**

Валиходжаева Фарруха Батировна

Самаркандский государственный институт иностранных языков,

Самарканд, Узбекистан.

e-mail: farruxa193@gmail.com

**EASTERN MOTIFS IN THE WORKS OF A. S. PUSHKIN:
CULTURAL SOURCES AND ARTISTIC INTERPRETATION**

Valixodjayeva Farrukha Batirovna.

Samarkand State Institute of Foreign Languages, Samarkand, Uzbekistan

e-mail: farruxa193@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақола Александр Сергеевич Пушкиннинг Шарқ маданияти ва адабиётига бўлган қизиқишини таҳлил қилишга ҳамда шарқий мотивларнинг унинг бадиий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрнини аниқлашга бағишланган. Мақолада шоирнинг Шарқ ҳақидаги билим манбалари — таълим муҳити, мутолаа доираси, журнал нашрлари ва замондошлар таъсири кўриб чиқилади. Пушкиннинг араб ва форс адабиёти, фалсафаси ва мифологияси билан танишлиги, шунингдек, шарқ мавзусининг унинг асарларида акс этишига алоҳида эътибор қаратилган. «Пушкин ва Шарқ» муаммоси «Ғарб — Шарқ» маданий-тарихий муқобиллиги ҳамда Россиянинг тарихий тақдири ҳақидаги мулоҳазалар контекстида таҳлил қилинади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Пушкин ижодида Шарққа мурожаат қилиш чуқур ва концептуал хусусиятга эга бўлиб, рус адабиётининг бадиий чегараларини кенгайтиришга хизмат қилган ҳамда адабий дид ва кейинги анъаналар ривожига салмоқли таъсир кўрсатган.

Калит сўзлар: А.С. Пушкин, рус адабиётида Шарқ, шарқий мотивлар, араб ва форс адабиёти, романтизм, маданий мулоқот, «Ғарб - Шарқ» муаммоси, Пушкин ижодида Кавказ, ориентализм, рус адабиёти тарихи.

Аннотация: Статья посвящена анализу интереса Александра Сергеевича Пушкина к культуре и литературе Востока и выявлению роли восточных

мотивов в формировании его художественного мировоззрения. Рассматриваются основные источники знаний поэта о Востоке, включая образовательную среду, круг чтения, журнальные публикации и влияние современников. Особое внимание уделяется знакомству Пушкина с арабской и персидской литературой, философией и мифологией, а также отражению восточной тематики в его произведениях. Анализируется проблема «Пушкин и Восток» в контексте культурно-исторической оппозиции «Запад - Восток» и осмысления исторической судьбы России. Делается вывод о том, что обращение к Востоку в творчестве Пушкина носило глубокий и концептуальный характер, способствовало расширению художественных границ русской литературы и оказало значительное влияние на развитие литературных вкусов и последующую традицию.

Ключевые слова: А.С. Пушкин, Восток в русской литературе, восточные мотивы, арабская и персидская литература, романтизм, культурный диалог, проблема «Запад - Восток», Кавказ в творчестве Пушкина, ориентализм, история русской литературы.

Abstract: The article is devoted to the analysis of Alexander Sergeyevich Pushkin's interest in the culture and literature of the East and to identifying the role of Eastern motifs in the formation of his artistic worldview. The main sources of the poet's knowledge about the East are examined, including his educational background, reading circle, journal publications, and the influence of his contemporaries. Particular attention is paid to Pushkin's familiarity with Arabic and Persian literature, philosophy, and mythology, as well as to the reflection of Eastern themes in his literary works. The issue of "Pushkin and the East" is analyzed within the framework of the cultural and historical opposition "West-East" and in the context of reflections on Russia's historical destiny. The study concludes that Pushkin's turn to the East in his creative work was profound and conceptual in nature, contributed to the expansion of the artistic boundaries of Russian literature, and had a significant impact on the development of literary taste and subsequent literary tradition.

Keywords: A. S. Pushkin, the East in Russian literature, Eastern motifs, Arabic and Persian literature, Romanticism, cultural dialogue, the "West-East" problem, the Caucasus in Pushkin's works, Orientalism, history of Russian literature.

Александр Сергеевич Пушкин (1799–1837 йй.) — буюк рус шоири, насрнавис ва драматург. У шеър ва насрда яратилган ўлмас асарлар муаллифидир: «Евгений Онегин», «Дубровский» романлари, машхур «Руслан ва Людмила», «Кавказ асири» поэмалари, «Пиковая дама» повести ва бошқа кўплаб асарлар, шунингдек, болалар учун ёзилган эртақлар [1].

Пушкин ўзининг бутун адабий фаолияти давомида Шарқ маданиятига катта қизиқиш билдирган. Лицейда таҳсил олган йилларидаёқ у бу соҳада муайян билимларга эга бўлган. Хусусан, у профессор И.К. Кайдановнинг маърузаларини тинглаган. Кейинчалик бу маърузалар «Умумжаҳон сиёсий тарихини билишга қўлланма» (Санкт-Петербург, 1821) асарида умумлаштирилган бўлиб, унда Кир Буюк давригача ва форс подшоҳлиги ташкил топгунига қадар Осиё халқларининг аҳволи батафсил ёритилган. Айни шу Кайданов орқали Пушкин илк бор Зардушт (Зороастр) номи билан танишган бўлиши эҳтимол. Кайданов Зардушт шахсини адолат ва инсонийликка интиладиган, халқнинг азоб-укубатларини келажак бахтига бўлган умид билан енгиллаштиришга, ер юзида тинчлик ва фаровонлик ўрнатишга интилган идеал ҳукмдор сифатида талқин қилган [2]. Пушкиннинг Шарқ ҳақидаги билимларининг яна бир манбаи «Вестник Европы» журнали бўлган. Ушбу нашр орқали у форса фалсафаси ва шеърляти ҳақида маълумотлар олган [3]. Мажнун ва Лайли ҳақидаги ривоят билан танишган, Ҳофиз ғазаллари, Саадийнинг «Гулистон» асаридан парчалар [4], Фирдавсийнинг Маҳмудга қарши сатирик асарлари ва «Шоҳнома»дан бўлақлар, Жомийнинг «Ҳикматлар ва латифалар»и, шунингдек, Н. Коноплёв томонидан таржима қилинган «Гўзал ҳақида баҳс» ва «Савдогарнинг қизи ва Пошо» номли форс қиссалари, европалик журналистларнинг Шарқ ҳақидаги мақолалари ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятига эга бўлган [5].

Пушкин учун Шарқ халқларининг мифологик тасаввурларини акс эттирган машҳур «Минг бир кеча» тўплами ҳам очик манба бўлган. Ушбу асарнинг А. Галлан томонидан амалга оширилган французча таржимаси 1704 йилда Парижда нашр этилган [6]. Пушкиннинг Шарққа бўлган қизиқишининг ривожланишида унинг замондошлари билан бўлган дўстона мулоқотлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Айниқса, В.К. Кюхельбекер билан муносабатлари аҳамиятли бўлган. Пушкин уни Дельвиг ҳақидаги мақоласида «тирик луғат ва илҳомли шарҳловчи» деб атади (Пушкин, 11, 273). Маълумки, Царскосел лицейида ўқиш йилларида (1811–1817) Пушкин ва Кюхельбекер доимий мулоқотда бўлганлар. Ўша пайтдаёқ Кюхельбекер Шарқ адабиётини ўрганиб, луғат устида ишлаган, унда Европа ва жаҳон маданиятига оид турли тушунчаларни шарҳлаб, Саадий, Зардушт каби шахсларга мурожаат қилган.

Пушкиншуносликда узоқ йиллар давомида муҳокама қилиб келинаётган алоҳида масалалардан бири — Пушкиннинг шарқона услубга муносабатидир. Масаланинг мураккаблигига қарамасдан, И.С. Брагинский, Б.В. Томашевский, Ю.Н. Тынянов, Б. Мейлах каби турли тадқиқотчилар бир фикрда яқдилдирлар: Пушкин араб ва форс адабиётини яхши билган, унинг услубидаги «шарқона» унсур эса, асосан, романтик экзотикага мойиллик билан боғлиқ бўлган. Бу фикрга асослар етарли: 1820-йилларда Пушкин ижодида Шарқ мавзусига

бағишланган кўплаб асарлар яратилган. Улар қаторига «Кавказ асири», «Бахчисарой фаввораси», «Қуръонга тақлидлар», «Фавворалар салқинлигидан...» каби асарлар киради. Шу билан бирга, «Пушкин ва Шарқ» муаммосини фақат Байронга бўлган қизиқиш ва романтик «махаллий колорит» билан чеклаш тўғри бўлмас эди. Пушкин ижодида «Ғарб — Шарқ» муаммоси муҳим ўрин тутди. У Россиянинг тарихий тақдири ҳақида жиддий мушоҳада юритиб, уни на фақат ғарбона, на шарқона йўл билан тўлиқ боғлаган. Кавказ ва Қримда бўлган сафарлари орқали Пушкин Россия ҳудудидан чиқмаган ҳолда ҳам мусулмон Шарқ маданияти билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлган.

Пушкиннинг илк романтик поэмаси - «Кавказ асири» Байроннинг «шарқона» поэмаларига яқинлиги билан ажралиб туради. Унда умидсизлик, ёлғизлик, эркинлик, тақдирнинг инсон ҳаётидаги беомон ва олдиндан билиб бўлмас ҳукмронлиги каби мотивлар янграйди. Бугун бу асарда оригиналлик камдек туюлиши мумкин, аммо айнан «Кавказ асири» рус ўқувчилари учун Кавказнинг ўзига хос жозибасини илк бор очиб берганини унутмаслик лозим. Бу борада Белинскийнинг қуйидаги фикри жуда ўринли: «Пушкиннинг енгил кўли билан Кавказ руслар учун муқаддас юртга айланди. У нафақат кенг эркинлик, балки туганмас поэзия, жўшқин ҳаёт ва жасур орзулар ўлкасига айланди. Пушкин музаси Россиянинг бу ҳудуд билан қадимдан мавжуд бўлган яқинлигини гўё муқаддаслаштирди... Кавказ эса Пушкин поэзиясининг бешиги бўлиб, кейинчалик Лермонтов поэзиясининг ҳам бешигига айланди» [7]. Шу жиҳатдан, Пушкиннинг кавказ поэмаси кўплаб тақлид асарларни келтириб чиқаргани ҳам диққатга сазовор бўлиб, улар адабий дидда жиддий ўзгаришлар содир бўлганини яққол кўрсатади.

Ўтказилган таҳлил Александр Сергеевич Пушкиннинг Шарқ маданияти ва адабиётига бўлган қизиқиши чуқур ва тизимли хусусиятга эга бўлганини ҳамда у фақат романтик модага эргашиш ёки экзотикага қизиқиш билан чекланмаганини кўрсатади. Унинг ижодида шарқона мотивларнинг шаклланиши шоирнинг таълим муҳити ва ўқиш доираси, замондошларининг таъсири, шунингдек Кавказ ва Қримда Шарқ олами билан бевосита танишиш тажрибаси билан боғлиқ бўлган. Араб ва форс адабиёти, фалсафаси ҳамда мифологиясини яхши билиши Пушкинга шарқ образлари ва мотивларини ўзининг бадиий тизимига уйғун равишда киритиш имконини берган. Пушкин ижодида Шарққа мурожаат этиш «Ғарб - Шарқ» каби кенг маданий-тарихий муаммони ва Россия тақдирини икки цивилизацион қутб орасида англашда муҳим восита бўлиб хизмат қилди. Шарқ мавзуси рус адабиётининг бадиий уфқларини кенгайтиришга, унинг образий ва ғоявий мазмунини бойитишга хизмат қилди. Пушкиннинг Шарқ билан боғлиқ асарлари, хусусан «Кавказ асири», рус китобхонларида Кавказ ва умуман Шарқ оламига бўлган қизиқишнинг

шаклланишида муҳим ўрин тутди ҳамда миллий адабиётнинг кейинги тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Шу тариқа, Пушкин ижодидаги шарқона компонентни унинг бадиий меросининг ажралмас ва муҳим қисми сифатида баҳолаш мумкин бўлиб, у маданий мулоқотнинг чуқурлигини ва муаллиф поэтик тафаккурининг универсаллигини акс эттиради.

Список литературы:

1. <https://obrazovaka.ru/alpha/p/pushkin-aleksandr-sergeevich-pushkin-aleksandr-sergeyevich>
2. Мохаммади Захра (Иран) А.С. Пушкин и Восток: заметки к теме. Вестник Московского университета. Сер. 9. Филология. 2008. № 3. 126-131 стр.
3. Les Mille et une Nuits / Traduits de l'arabe par A. Galland: In 12 vls. P., 1704–1717.
4. Тынянов Ю. А.С. Пушкин: Исследования и материалы: Пушкин и Кюхельбекер. М., 1934.
5. Белинский В.Г. Полн. собр. соч. Т. VII. М., 1955. С. 373.
6. Рак Д. Пушкин: Исследования и материалы: Саади. СПб., 2004. С. 298–300. 12 Библиотека А.С. Пушкина. СПб., 1910. С. 291–292.
7. Измайлов Н.В. Очерки творчества Пушкина. Л., 1975. С. 161–162. 14
8. Томашевский Б.В. Пушкин. Кн. 1. М.; Л., 1956. С. 505–507.
9. Солеева А. Исследование произведения писателя Хан Кан «Вегетарианка» с точки зрения бессознательного. Til va adbiyot. 2025, aprel 8-son; 225 с.
10. Soleeva A. The psychoanalytic landscape of Han Kang's fiction's. FLTAL. Хорижий тил таълими лингводидактикаси ва инновацион асослари. Халқаро илмий-амалий конференция. 2025, 127-132с.
11. Soleeva, A. “New woman” in the modern korean novel “Vegetarian” by Han Hang. Tillarni o'qitish metodikasi sohasidagi zamonaviy tilshunoslik va adabiyotshunoslikning dolzarb masalalari. respublika ilmiy-amaliy anjuman. 2025, 151 с.